



ORIENTAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES
 journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>



THE PROBLEM OF HUMAN EXISTENCE AND THE PROBLEM OF NATURE IN THE PHILOSOPHY OF AHMAD DONISH

Z. A. Akhmedova

*head of the department of social sciences, associate professor
Bukhara State Medical Institute
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Thinker, universe and human problem, ontology, existence, philosophical ideas, worldview

Received: 03.06.23

Accepted: 05.06.23

Published: 07.06.23

Abstract: This article analyzes the issue of the world and man in the work of the thinker Akhmad Donish "Navodir ulg' Vaqoe". The work "Navodir ul-waqae" is of great importance in the work of thinker Ahmed Donish. Although the formation of Donish's worldview is reflected in his other works and manuscripts, "Nawadir ul-Waqae" occupies an important place in defining his philosophical worldview. In this work, the thinker analyzed various philosophical ideas and tried to draw his own conclusions.

АХМАД ДОНИШ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН БОРЛИГИ ВА ОЛАМ МАСАЛАСИ

З. А. Ахмедова

*ижтимоий фанлар кафедраси мудири, доцент
Бухоро давлат тиббиёт институти
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мутафаккир, олам ва инсон муаммоси, онтология, борлиқ, фалсафий ғоялар, дунёқараш

Аннотация: Мазкур мақолада мутафаккир Аҳмад Донишнинг “Наводир улг’ Вақоеъ” асарида олам ва инсон масаласи таҳлил қилинган. Мутафаккир Аҳмад Дониш ижодида “Наводир ул-вақоеъ” асарининг аҳамияти катта. Дониш дунёқарашини шаклланиши бошқа асарлари ҳамда қўлёзмаларида акс этган бўлса-да, унинг фалсафий дунёқарашини аниқлашда “Наводир ул-вақоеъ” муҳим ўрин тутди. Мутафаккир бу асарда турли фалсафий ғояларни таҳлил қилиб, ўз хулосаларини келтиришга ҳаракат қилган.

ПРОБЛЕМА БЫТИЯ ЧЕЛОВЕКА И ПРОБЛЕМА ПРИРОДЫ В ФИЛОСОФИИ АХМАДА ДОНИША

З. А. Ахмедова

заведующий кафедрой социальных наук, доцент

Бухарский государственный медицинский институт

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Мыслитель, вселенная и проблема человека, онтология, экзистенция, философские идеи, мировоззрение	Аннотация: В данной статье анализируется проблема мира и человека в произведении мыслителя Ахмада Дониша «Наводир ул-вакое». Произведение «Наводир ул-вакое» имеет большое значение в творчестве мыслителя Ахмада Дониша. Хотя формирование мировоззрения Дониша отражено и в других его произведениях и рукописях, «Наводир ул-Вакое» занимает важное место в определении его философского мировоззрения. В этом произведении мыслитель анализировал различные философские идеи и пытался сделать собственные выводы.
---	--

КИРИШ

Мутафаккир Аҳмад Дониш ижодида “Наводир ул-вақоеъ” асарининг аҳамияти катта. Дониш дунёқараши шаклланиши бошқа асарлари ҳамда қўлёзмаларида акс этган бўлса-да, унинг фалсафий дунёқарашини аниқлашда[1] “Наводир ул-вақоеъ” муҳим ўрин тутди. Мутафаккир бу асарда турли фалсафий ғояларни таҳлил қилиб, ўз хулосаларини келтиришга ҳаракат қилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дониш “Наводир ул-вақоеъ” асарининг махсус бир бўлимида оламнинг абадийлиги тўғрисидаги турли хил “назария”ларни таҳлил қилади. У астрономияга оид тузган ахборотида табиат ҳодисаларига дунёвий ва илмий нуқтаи назардан ёндошади. У астрономияга оид асарларида табиат ҳодисаларини табиий-илмий жиҳатдан изоҳлаган. “Бизнинг қилган тадқиқотларимиз юнон ҳукамоларининг мазҳабига мувофиқдир. Бутун ҳукамоларнинг айтишларича, ернинг шакли куравий, яъни юмалоқдир. Фалаклар унсурлари дол ўртасида ҳеч нарсага суянмай муаллақ турадилар”[2]. У Ернинг юмалоқ шаклдалиги, сайёралар ҳаракати, Қуёш ва Ой тутилиши, ер кимирлаши ҳақида фикр юритиб, бу ҳодисаларни олдиндан айтиб бериш мумкинлигини таъкидлаган. Шу билан бирга ҳамма ҳодисаларнинг бир-бирига муносабати ва сабаблари табиатнинг ўзида эканлигини, табиатдан ташқарида ҳеч нарса бўла олмаслигини тушунтиришга ҳаракат

килган. Унинг фикрича, ер кимирлаши ернинг ўртасида жойлашган иссиқ пар массаси ҳаракатга келиши натижасида содир бўлади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, ҳамма нарсаларнинг жисми икки турга: оддий ва мураккабга бўлинади. Оддий жисмлар осмон ва ер жисмларига, мураккаб эса ҳайвонот-фауна, наботот- ўсимликлар-флора ва маъданиёт-минераллар турига эгадир. “Ҳайвонот, набодот, маъданиёт яратилишлари эса кавни фасод, яъни бузулиш ва тузилиш қонунига асосланмишдир. Тузилишнинг бошланиши иссиқ билан ҳўлликдан бўлганидек, бузулишнинг сабаби эса совуқ билан курукликдан бўлади”.

Аҳмад Дониш “Наводир ул-вақоеъ” асарида маъданларнинг, булоқ сувларининг, тоғларнинг пайдо бўлиши, Ернинг таркиби ҳақида ўз фикрларини баён этади: “Ернинг ичи уч табақадан таркиб топган бўлади. Биринчи табақаси курук тупроқ. ...Иккинчиси ёпишқоқ лой табақаси. ...Учинчиси сахро тош табақасидир. Аммо ер марказининг ўзи эса кизгин, сассиқ буғ билан тўлдирилган ва у ичи бўш тарвузга ўхшайди”[2]. Мутафаккир фикрини давом эттириб, шундай ёзади: “Ақл ўлчови билан жисмлар оламининг яратилиш йўли шундаки, фалакил буруж, яъни саккизинчи фалакнинг ўтлик уч бурчидан доим иссиқлик тушиб туради. Шунга ўхшаш унинг ҳаволик уч бурчидан тўхтовсиз совуқлик, сувлик учбурчидан ҳамиша ҳўллик, тупроқли учбурчидан эса доимо куруклиу тушиб туради. Аммо бу тўрт унсурнинг тушиши кетма-кет бўлиб, ораларида ҳеч вақт узилиш бўлмайди. Демак, бу тўрт унсурнинг кўшилиши ва аралашишидан Ер юзага чиқади”[2].

“Наводир ул-вақоеъ”да муаллиф жуда кўп ижтимоий-сиёсий, фалсафий, адабий, ахлоқий-таълимий, ирфоний-маърифий масалалар хусусида замонасининг пешқадам зиёлиси сифатида мулоҳаза юритади, ислоҳотчи маърифатпарвар сифатида бу соҳадаги нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини тавсия этади. У ўтган файласуфлар мавзуларини давом эттириб, фалсафий-ижтимоий масалаларни янгича нуқтаи назардан, замон талаби ва жамият шароити асосида кўриб чиқди. Асарнинг ўн олтинчи бобида тоғ жинсларининг пайдо бўлиши, конлар, турли маъданларнинг хоссалари, ер кимирлаши хусусида маълумот беради.

Олам ҳақиқатини билмаслик, англамаслик, маънавиятдан узоқлашиш, инсонда ҳирс деб аталадиган иллатни пайдо қилади. “Бахтимнинг фақирликда бўлиши шундаки, олам ҳақиқатини менга аён этдилар. Шунда мен фоний дунё лаззатларининг ҳақ йўлга тўсиқ эканлигини англаб етдим”[2]. Донишнинг фикрича, оламдаги мавжудотлар пайдо бўлиши ва ҳаракати илоҳий кучлар, арши аъзал қуввати билан боғлиқ. У олам тарихини муайянлаштиришга уринган ҳинд, хитой, форс олимларининг фикрини рад этади. “Ҳинд, хитой ва форс ҳукамолари оламнинг қадимийлигига зўр эътиқод қиладилар. Улар оламнинг қадимийлигини қайд қилиб, бу жаҳон ҳеч қачон йўқ бўлган эмас ва йўқ

бўлмайди, бу олам доим бор бўлади; биздан илгари ҳам бу дунёга одамлар келиб ўтганлар ва яна келадилар; балки биз ҳам бир неча марта келганмиз ва яна келамиз; бу иш чексиз ҳолда давом этади дейдилар. Дунёнинг яратилганлиги ва унинг охирати ҳақида Қуръонда ёзилган нарсаларни ўқиб фикр қилдим. Ундан олган жавобларимни қуйида ёздим. Чунки бу масала оламнинг қадимийлигига алоқадордир.

Сарвари олам жаннатнинг усти оллонинг арши деганлар. Бу гапнинг маъносидан аршнинг қадимийлиги ва унинг фоний эмаслиги келиб чиқади. Бундан ташқари олло ер ва осмонни етти кун ичида яратди деган оятдан ҳам коинот яратилмасдан илгари аршнинг борлиги ва уни бутун коинот йўқотилган тақдирда ҳам мавжуд бўлиб қолишлиги маълум бўлади”[2].

Аҳмад Донишнинг фалсафий қарашларида инсоннинг ахлоқий табиати, оиладаги ҳаёти, давлат бошқаруви масалалари ўз аксини топган. Мутафаккир фалсафий қарашларининг марказида инсон муаммосининг алоҳида эътироф этилиши “инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир”, деган фикрни тўла тасдиқлайди. Инсон олам аро олам бўлиб, унинг қалб тўлғонишлари, идроки, тафаккур кучи ва туйғуларининг бепоёнлиги, ҳиссиёти ва эҳтиросининг жўшқинлиги олдида ташқи олам рангсиз ва бемажолдир. Зеро, Аҳмад Дониш ҳам “...Ҳақиқатда инсон улуғ оламдир. Унга қараганда бу олам кичик оламдир”[2] деганида ана шуни назарда тутган. Дониш кашф этган ҳаёт фалсафасининг асосий мақсади инсоннинг озодлиги, бахт-саодатидир. У инсоннинг дунёга келиши, ўрни, воқеликни ўзлаштириши, тўғри йўлни танлаши, илм олиб, ҳунар ўрганиши, ўз-ўзини англаши масалалари тўғрисида мушоҳада юритади. Унинг фикрича, инсон ўз-ўзини англаши, билимларни эгаллаши, фойдали иш билан шуғулланиб, ҳақ йўлни танлаши орқали комиллик даражасига эришиши мумкин.

Аҳмад Донишнинг фикрича, “ҳаёт дунёси, жонли нарсалар уч турли сифатга эгадирлар. Булар ҳайвоний, шайтоний ва малаконий сифатлардир. Бу уч қувватни бирлаштириб, ҳосил бўлган ҳамирдан бир жонли нарса яратиб, унинг отини инсон деб қўйганлар”. Инсон “дунёни иморат ва зироатлар билан обод қилади”.

У “Наводир ул-вақоеъ”нинг “Дар наводир ҳолате касоне, ки аз жанги сибоъ раҳои ёфтанд” бобида “Агар биз мадраса ҳужрасида қўл қовуштириб ўтираверсак, ҳеч қачон осмондан нон ва бугдой ёғмайди. Демак, инсон меҳнат қилиши керак”, деган фикрни илгари суради. Аҳмад Дониш баъзи масалаларда ўзига хос фикр билдирса-да, унинг иймон-этикоди мусулмон бўлган.

Мутафаккир “Наводир ул-вақоеъ”нинг “Ҳунарлар ҳақида” деб номланган бобида шариат асосларини ўрганиш энг ҳурматли ҳунар, у ақлимиз ва руҳимизни ёритадиган илм,

деб таъкидлайди. Бундан ташқари, калом аҳли шуғулланадиган илмлар ва ҳунарлар, яъни фикҳ, дин қонунчилиги, фатво илми, ҳуқуқий ҳужжатларни ёзиш илми, ҳаттотлик, тиббиёт, мирзалик, астрономия, шеърят, ўқитувчилик ҳақида ўз фикрларини баён этади. Донишнинг фикрича, улар ижтимоий фикрни, инсон ақли ва руҳини тарбиялайди[3].

“Наводир ул - вақое” асарида Аҳмад Дониш “Руҳ ва унинг танага муносабати” масаласига махсус эътибор берган. Ақл – тана билан боғлиқ ва моддий бўлганлиги учун ҳам унинг билишда ҳадди, чегараси бор. У арш устидаги нарсаларни билишга қодир эмас, дейди мутафаккир. “Руҳ шундай басит гавҳардирки, у ҳаёт оламини яратиб, ажойиб ва ғаройиб санъатларни юзага чиқишига воситадир. Оламдаги юлдузлар, унсурлар, ҳайвонот наботот ва маданият руҳ туфайли ободдир”, - дейди Аҳмад Дониш. Унинг фикрича, руҳ иккига ажратилган ва унинг энг аълоси ва мусаффоси инсонга сингдирилган. Энг тубан даражадаги қуйқумлари инсонга хизмат этиш учун яратилган ҳайвонларга берилган. “Руҳнинг табиий манбаси юракдир” дейди Аҳмад Дониш. Тан руҳ учун қолип вазифасини ўташи ва қолип бузилса руҳ қуши ҳам учиб кетиши мумкинлиги таъкидланади. Руҳнинг қуввати тананинг соғломлиги ва қуввати билан боғлиқ. “Тан қафасининг соғлом бўлиши тўрт унсурнинг баробар тенглашиб туришига боғлиқдир”, деган иборадан Аҳмад Дониш тананинг тўрт унсурдан тузилганлиги ғоясини қўлагани маълум бўлади.

ХУЛОСА

“Наводир ул – вақое” асаридаги ғоялари Аҳмад Донишни инсон ҳақида қуйидаги фалсафий нуқтаи назарда турганлигидан далолат беради: инсон тана ва руҳдан иборат мавжудотдир; инсон руҳи унинг камолотига ёрдам беради; тана истаклари асосида туғиладиган нафси бошқариш зарур, бўлмаса у инсонни таназзулга олиб келади; инсонга берилган ихтиёр, эрк уни бахтли ёки бахтсизлиги мезонидир; инсон бутун олам билан уйғун, мувофиқдир, шунинг учун унинг ҳар бир таъсирига мос акс таъсир ҳосил бўлади; инсонда нур ва зулмат, раҳмоний ва шайтоний қувватлар мавжуд бўлиб, уларни эзгуликка равона этиш учун инсонга ихтиёр берилган; ақл моддий ёрдам нарсаларни билишга қодир, унинг куч - қувватининг чегараси бор, руҳ бутун оламнинг аслини биладиган олади; руҳнинг энг аълоси ва мусаффоси ва мураккаби инсонга сингдирилган ва у абадийдир, унинг табиий манбаи юрак; тана тўрт унсурдан иборат, унинг мижозини меъёрда сақлаш лозим; инсон борлигида ҳайвоний, шайтоний, малаконий қувватлар мавжуд; ҳар бир инсон ўзига хос бўлиб, оламда ўзига юклатилган қазову қадардаги вазифани бажаради; инсон асл ҳақиқатни биладиган олади; инсон ҳақиқатда улуғ оламдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақоеъ. Қўлёзма. – Сталинобод: Ирфон, 1957. ЎзР ФА ШИ, №2144, 2941.
2. Дониш А. Наводир ул-вақоеъ. - Тошкент.: Фан, 1964. - 103 б.
3. Дониш А. Путешествие из Бухары в Петербург. - Сталинобод: Таджикиздат, 1960. - 238 с.